

ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР ҲИСОБИ

Тулаев Мирзакул Саламович ¹, Абдусаломова Гулчехра ²

¹ Халқаро Нордик университети Иқтисодиёт ва бизнесни бошқариш кафедра доценти, Тошкент, Ўзбекистон, электрон почта: m.tulaev@nordicuniversity.org, (orcid.0000-0002-0612-5635)

² Тошкент давлат иқтисодиёт университети Қўшма дастурлар магистранти, Тошкент, Ўзбекистон, электрон почта: abdusalomovagulchehra0@gmail.com, (orcid. 0009-0001-4621-3058)

Аннотация

Аннотация. Мазкур мақолада жорий дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар) ҳисобининг моҳияти, унинг пайдо бўлиш сабаблари, уларни ҳисобга олиш тартиби ҳамда даргумон қарзлар бўйича резерв тузиш мақсадлари ва шакллантириш усуллари ҳамда ҳисобдан чиқариш тартиблари келтирилган.

Калим сўзлар: жорий дебиторлик қарзлар, олинадиган счётлар, харидорларга берилган чегирмалар, даргумон қарзлар бўйича резервлар ҳисоби, шубҳали қарзлар бўйича резерв тузиш усуллари

Қисқа муддатли ликвид активларнинг яна бири тури бўлиб дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар) ва олинган векселлар ҳисобланади. Улар товарларни кредитга (насияга) сотиш натижасида пайдо бўлади. *Олинадиган счётлар (accounts receivable)* бошқа корхоналарнинг пул маблағлари, товарлари, хизмат ва бошқа активларига бўлган даъволарни ўз ичига олади. Олинадиган счётлар бўйича олиниши кутилаётган санасига ёки олинадиган счётларнинг тўлов муддатига кўра жорий ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Одатда олинадиган счётлар счёт-фактуралар билан тасдиқланади. *Олинган векселлар (notes receivable)* баланснинг моддаси одатда расмий қарз мажбуриятлари билан тасдиқланади.

Савдо бўйича олинадиган счётлар (trade receivable) - бу асосий фаолият натижасида сотилган товар ва хизматлар учун миқдорнинг мажбурият суммаларидир. Агар сотиш ва кредитга беришлар тоифасига тўғри келмайдиган, яъни ходимларга, корхонанинг мансабдор шахсларига ёки таъсис этувчиларига берилса, улар алоҳида актив сифатида, ходимларнинг дебиторлик қарзи деб кўрсатилиши керак. Бундай аванслар *носавдо дебиторлик қарзлари (no trade receivable)* деб ҳисобланади. Носавдо дебиторлик қарзларга “Олинадиган фоизлар”, “Олинадиган дивидендлар”, суғурта ташкилотларига содир бўлган бахтсиз ҳодисалар бўйича даъволар, тўланган солиқларни қайтаришга доир даъволар ва бошқалар ҳам қиради.

Капитални шакллантиришнинг ва дебиторлик қарзлар асосий манбаи бўлиб, даромадлар олиш ҳисобланади. Масалан, маҳсулотларни сотиш банкдаги ҳисоб-китоб счётига пул маблағларни ўтказиш билан амалга оширилади. Маҳсулотларни сотиш натижасида пайдо бўлган дебиторлик қарзлар бошқа корхоналарнинг активларига қилинган даъво ҳисобланади.

Олинадиган счётлар ва олинган векселларнинг ҳисобида асосий масала бўлиб, уларни *тан олиш (recognition)*, *баҳолаш (valuation)* ва *жойлаштириш (disposition)* ҳисобланади. Дебиторлик қарзларни ундириб олиш – дебиторлик қарзларга доир ҳисобот ва баҳолашга бевосита таъсир қилади. Бундан ташқари, бу қарздорлик ҳисобда акс эттирилганлигига (тан олиш) ва унинг суммасига (баҳолаш) масалаларига ҳам таъсир қилади.

Одатда харидор ва буюртмачиларда олинадиган счётлар дебетли қолдиққа эга бўлади. Айрим ҳолларда, харидорлар келгуси харидлар учун ортиқча тўланган ёки хатоликлар натижасида тўланган аванс суммалари натижасида дебиторлик қарзлар кредитли қолдиққа эга бўлади. Бундай кредитлар балансида “Харидорлардан олинган аванслар” жорий мажбуриятлар сифатида акс эттирилиши керак.

Дебиторлик қарзларни тан олиш, ўлчаш ва уларни жойлаштириш. Савдо дебиторлик қарзлари баланс санасидан кейин йил давомида ёки корхонанинг операцион цикли давомида ундириб олинадиган суммаларни ўз ичига олади. Олинадиган счётлар бўйича ундириш муддати 5 кундан 90 кунгача ҳисобланади, бу муддатдан кейин муддати ўтган дебиторлик қарзлар дейилади.

Дебиторлик қарзларнинг суммасини тан олишда шартномада катнашаётган икки томон ўртасида ўзаро келишилган *алмаштириш нархи (exchange price)* ҳисобланади. Дебиторлик қарзлар пул чегирмалари, сотилган товарларнинг қайтарилиши, даргумон қарзлар айриб ташлангандан кейин дастлабки қиймати бўйича баҳоланади. Натижада олинадиган счётларнинг соф қиймати аниқланади. Сотиш ва пул маблағларини ундириб олиш ўртасидаги вақтнинг қисқалиги учун одатда фоизлар ҳисобга олинмайди.

Савдо чегирмалари

Савдо чегирмалари (trade discounts) турли миқдорлар гуруҳларига, ҳар хил ҳажмдаги товарларнинг нархларини реклама қилишнинг самарали усули ҳисобланади. Одатда улгуржи сотув каталогларида ягона счёт-фактура баҳоси ёзилади. Кейинчалик, миқдор ва буюртилган маҳсулот ҳажмига кўра ҳар хил чегирмалар эълон қилиниши мумкин. Бундай савдо чегирмалари охириги сотиш баҳосини камайтиради.

Масалан, 500 000 сўмлик товар қийматида, агар 1000 донаси сотилиб олинса 10%ли чегирма эълон қилинди. Шундай қилиб, бир донасининг баҳоси 450 000 сўм ташкил қилади ($500\,000 \times 0,9$). Чегирманинг фоизи буюртма ҳажмига қараб ўзгариши мумкин, лекин 500 000 сўм асосий баҳони ўзгармайди. Сотилган даромад ва дебиторлик қарзлар счёт-фактурага мувофиқ ҳисобга олинади.

Пул чегирмалари (сотувдан чегирмалар)

Кўпгина корхоналар тўлов маълум муддатда амалга оширилса, счёту-фактура (инвойс)нинг умумий баҳосини камайтирадиган *пул чегирмаларини (sales discounts)* таклиф қилади. Пул чегирмалари савдо хажмини кўпайтириш ва мижоз тўловни тезроқ амалга оширишга ундайди. Улар шубҳали қарзларни камайтиришга ҳам ёрдам беради.

Масалан, «Акбар» хусусий корхонаси ўзининг мижози «Баҳодир» МЧЖ корхонасига 5% пул чегирмасини таклиф қилди, агар «Баҳодир» МЧЖ корхонаси маҳсулот учун пул маблағини 10 кун ичида тўлаб берса. Тўловни амалга оширишнинг энг узок муддати - 30 кун (умумқабул қилинган қисқартма – 5/10, п/30). Маҳсулотнинг дастлабки сотиш қиймати 50 000 000 сўми, сотилган маҳсулотнинг таннархи 37 500 000 сўми ташкил қилган. Маҳсулот жорий йилнинг 1 апрель куни харидорга маҳсулот ортиб жўнатилган. «Акбар» хусусий корхонаси «ялпи усул» бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаларини беради:

1.04.

Дт	Олинадиган счётлар (4010)	50 000 000
Кт	Маҳсулотни сотишдан олинган даромад (9010)	50 000 000

Дт	Сотилган маҳсулотларнинг таннархи (9120)	37 500 000
Кт	Тайёр маҳсулотлар (2810)	37 500 000

«Ялпи усул» қўлланилганда маҳсулотларни сотишдан олинган даромад ва дебиторлик қарзлар дастлабки қийматда акс этирилади. Харидор чегирмадан фойдаланди ва 9 апрель кун пул маблағини тўлаб берди:

9.04.

Дт	Пул маблағлари (5110)	47 500 000
Дт	Харидорларга берилган чегирма (9050)	2 500 000
Кт	Олинадиган счётлар (4010)	50 000 000

Дебиторлик қарзларнинг «Нетто-усули» ҳисоби Молиявий ҳисоб 2 курсида тўлиқ ўрганиб чиқилади.

Сотилган маҳсулотларнинг қайтарилиши

Маълум соҳаларда рақобатбардошликни сақлаш учун, маълум бир давр ичида маҳсулот (товар)ларни қайтаришнинг кафолатли ҳуқуқи умумий маркетинг режасининг бир қисмидир. Қайтарилиш маҳсулотнинг нуқсонлари ёки бошқа камчиликлари сабабли содир бўлиши мумкин.

Сотилган маҳсулотларнинг қайтарилиши ва унинг учун товон (компенсация) пули соф дебиторлик қарзларни ва соф тушумни камайтиради. Масалан, «Хадича» хусусий корхонасига 2022 йил 15 ноябрда сотилган товар мижоз томонидан қайтарилди ва захиралар таркибига қабул қилинди. Қайтарилган товарнинг умумий қиймати 26 000 000 сўм, унинг таннархи 18500 000 сўм. *Товар-моддий захираларнинг даврий ҳисоб тизимида* бухгалтерия ўтказмалари:

Дт	Сотилган товарларнинг қайтиши (9040)	26 000 000
----	--------------------------------------	------------

Кт	Олинадиган счётлар (4010)	26 000 000
----	---------------------------	------------

Товар-моддий захираларнинг узлуксиз ҳисоб тизимида бухгалтерия ўтказмалари бир мунча фарқ қилади:

Дт	Сотилган товарларнинг қайтиши (9040)	26 000 000
----	--------------------------------------	------------

Кт	Олинадиган счётлар (4010)	26 000 000
----	---------------------------	------------

Дт	Товарлар (2910)	18 500 000
----	-----------------	------------

Кт	Сотилган товарнинг таннархи (9120)	18 500 000
----	------------------------------------	------------

Сотилган товарларнинг қайтиши ва харидорларга сифати паст товарлар учун берилган чегирмалар бу мижозларнинг қоникмаслик кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Бу суммалар иккала усулда ҳам “Сотилган товарнинг қайтиши” счётида йиғилиб борилади. Бу счёт контрпассив счёт ҳисобланади ва у дебетли қолдиққа эга ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маҳсулот сотишдан олинган соф тушум (010 сатр) суммасидан айрилади. Бундан ташқари, товар-моддий захираларнинг узлуксиз ҳисоб тизимида товар таннархи “Сотилган товарларнинг таннархи” счётидан “Товар” счётига ўтказилиши керак.

Шубҳали дебиторлик қарзлар ва уларни баҳолаш. Тўлов қобилиятининг назорат тизими қанчалик такомиллашган ва самарали бўлишидан қатъий назар, корхоналарда кредитга сотилган маҳсулотлар учун пул маблағларини тўламаган харидорлар доимо топилади. Харидорларнинг бундай счётлари *шубҳали счётлар (uncollectible accounts)* ёки *даргумон қарзлар* дейилади ва у зарарларга олиб борилади.

Корхоналар жуда консерватив (сотувнинг тушиб кетишига олиб келадиган) ва жуда либерал (шубҳали дебиторлик қарзларнинг кўпайишига олиб келадиган) бўлмаган кредит сиёсатини ишлаб чиқишга ҳаракат қиладилар. Мижозларнинг олдинги тўловлари, корхонанинг молиявий ҳолати ҳамда даромадларнинг олиш истикболи кредит бериш бўйича қарор қабул қилишда асосий омиллар бўлиб ҳисобланади.

Агар шубҳали дебиторлик қарзларнинг пайдо бўлиши эҳтимоли ва уларни баҳолаш мумкин бўлса, у ҳолда тахмин қилинаётган шубҳали дебиторлик қарзлар счётларда акс эттирилиши керак. Бу даромадларни йўқотишга, олинадиган счётларнинг камайишига ва тегишлича фойданинг камайиши ва акционерлик капиталини камайишига олиб келади. Даромадларни йўқотиш ва фойданинг камайиши шубҳали қарзлар бўйича харажатлар асосида – операцион фаолиятнинг харажатлар, кўп ҳолларда эса, сотиш харажатлар сифатида ҳисобда тан олинади (Ўзбекистонда бошқа операцион харажатлар 9430 счётида тан олинади).

Олинадиган счётлар бўйича даргумон қарзлар ҳисобида асосий савол бўлиб, зарарни тан олиш учун вақтини аниқлаш ҳисобланади. Амалиётда бухгалтерлар иккита асосий усул фойдаланилади:

1. *Тўғридан-тўғри ҳисобдан чиқариш усули (direct write-off method).* Ушбу усулга биноан бирор-бир олинадиган счёт даргумон қарзлар деб тан олинмагунча ҳеч қандай бухгалтерия ёзувлари амалга оширилмайди. Зарар “Шубҳали қарзлар бўйича харажатлар счёт”нинг дебети ва “Олинадиган счётлар” кредитида акс эттирилади. Ушбу усул фақат далилларни ҳисобга олади, баҳолашни эмас. Бу усул назарий жиҳатдан мукамал эмас, чунки бу усулда даромад ва харажатлар мувофиқлик принципига жавоб бермайди.
2. *Даргумон қарзлар бўйича резервларни баҳолаш усули (allowance method).* Даргумон қарзлар бўйича зарарлар сотиш ҳажми билан солиштирилади. Ушбу усулга биноан даргумон қарзлар суммаси соф кредитга сотиш ҳажмидан ёки умумий дебиторлик қарзларнинг суммасидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади. Бу баҳоланган сумма харажат ва олинадиган счётларни билвосита камайтирувчи сифатида “Даргумон қарзлар бўйича баҳоланган резерв (Allowance for Uncollectible Accounts)” счётини кўпайтириш билан ҳисобда акс эттирилади. Бухгалтерия ёзувларида бу счёт контрактив счёт сифатида намоён бўлади. Балансда унинг суммаси дебиторлик қарзларнинг суммасидан айирилади агар у кредитли қолдиққа эга бўлса, ёки қўшилади агар дебетли қолдиққа эга бўлса. Дебиторлик қарзлар балансда “соф қиймат”да акс эттирилади. Даргумон қарзлар бўйича баҳоланган резерв суммаси молиявий ҳисоботнинг тушунтириш хатида ёритилади.

Шубҳали дебиторлик қарзининг вужудга келиши ва унинг ҳисоби

Агар шубҳали олинадиган счётларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ва унинг суммасини баҳолаш мумкин бўлса, ҳисобот даврининг охирида тузатиш ёзуви қилиниши талаб қилинади. Масалан, агар корхона шубҳали дебиторлик қарзлар суммасини 400 000 сўм деб баҳолаётган бўлса, шубҳали қарз бўйича харажатларни акс эттирувчи қуйидаги тузатувчи ўтказмаси берилади:

Дт	Шубҳали қарзлар бўйича харажатлар счёти (9430)	400 000
Кт	Шубҳали қарзлар бўйича баҳоланган резерв (4910)	400 000

Бошқа яна иккита далилни ҳам инобатга олиш керак: (1) аниқ бир дебиторлик қарзни ҳисобдан чиқариш; (2) олдин ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзнинг келиб тушишини.

Баъзи олинадиган счётлар шубҳали дебиторлик қарзлар деб тан олинса, шубҳали дебиторлик қарзнинг бу қисми резерв ҳисобидан қопланади (Агар корхонанинг ҳисоб сиёсатида даргумон қарзлар бўйича резерв тузиш тўғрисида банд мавжуд бўлганда). Дебиторлик қарзларнинг

олиш эҳтимоли бўлмаганида ҳисобдан чиқаришга доир ўтказмалар берилади:

Масалан, 5000 000 сўмлик дебиторлик қарз суммасини “Ойдин” хусусий корхонасидан тўлашни талаб қилишдан воз кечган корхона куйидаги иккита ўтказмани амалга оширади:

Дт	Шубҳали қарзлар бўйича баҳоланган резерв (4910)	5000 000
Кт	“Ойдин” корхонаси дебиторлик қарзи (4010)	5000 000

Дт	Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи счёти (007)	5000 000
----	--	----------

Юқоридаги ўтказма даромадга ҳам ёки ундирилмаган соф дебиторлик қарзларнинг суммасига ҳам таъсир кўрсатмайди. Аксинча, бу шубҳали қарзлар бўйича харажатлар ва баҳоланган резервни тузишга доир тузатувчи ўтказмаси билан бошланган жараённинг долзарб бухгалтерия ўтказмаси ҳисобланади. Корхона олинаниган счётни шубҳали деб тан олгандан кейин ҳисобдан чиқаришга доир ўтказмасини амалга оширади. Баъзан, ҳисобдан чиқарилган мижоз – дебиторнинг молиявий аҳволи яхшиланганда кейин, ҳисобдан чиқарилган сумма келиб тушуши мумкин. Дебиторлик қарзларни тиклашга доир тескари бухгалтерия ўтказмаси берилади: Бироқ, бу ўтказма пул маблағларининг келиб тушган пайтида ҳисобда акс эттирилади.

Фараз қилайлик, олдинги ҳисобдан чиқаришга оид бухгалтерия ўтказмаси берилгандан кейин, маълум вақт ўтгач «Ойдин» хусусий корхонаси 4000 000 сўмлик дебиторлик қарзни тўлашга лаёқатлилиги аниқланди ва корхонанинг банкдаги ҳисоб китоб счётига келиб тушди. Ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзнинг қопланиши ва қайта тикланиши бўйича куйидаги учта бухгалтерия ўтказма берилади:

Дт	Пул маблағлари счёти (5110)	4 000 000
Кт	“Ойдин” корхонаси дебиторлик қарзи (4010)	4 000 000

Дт	“Ойдин” корхонаси дебиторлик қарзи (4010)	4 000 000
Кт	Бошқа операциялардан олинган даромад (9390)	4 000 000

Кт	Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи счёти (007)	4 000 000
----	--	-----------

Олинаниган счётларнинг (4010) дебет ва кредити қисман тикланган ва ундириб олинган дебиторлик қарзларнинг суммасини билдиради.

Молиявий ҳисобот тайёрланаётган вақтда қайси олинаниган счётлар бўйича пул маблағларини ундириб олинишини аниқлаш мумкин бўлмаганлиги сабабли, ҳисобот даври учун кутилаётган зарарларни қоплашга доир харажатлар суммасини баҳолаш зарур бўлади. Албатта, баҳолашда катта фарқлар бўлиши мумкин. Корхона бухгалтерия жорий

иктисодий шароитни ҳисобга олган ҳолда, олдинги йиллар амалиётига асосланиб ҳисоб-китобларни амалга оширади.

Шубҳали қарзларни баҳолаш бўйича иккита умумқабул қилинган усул мавжуд: соф кредитга сотишдан фоиз усули ёки *соф сотишдан фоиз усули (percentage of net sales method)* (молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот) ва *тўлов муддатлари бўйича олинадиган счётлар ҳисоби усули (accounts receivable ageing method)* (бухгалтерия баланси).

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида (МҲҲС) иккала усул ҳам қўлланилади. Биринчи усулнинг мақсади шубҳали дебиторлик қарзлар натижасида пайдо бўлган харажатларнинг суммасини аниқлашдан иборат. Уни яна молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот усули ҳам деб айтилади. Иккинчи усулнинг мақсади соф дебиторлик қарзнинг қийматини аниқлашдан иборатдир. Бу усулни баланс усули ҳам деб айтилади.

Соф кредитга сотишдан фоиз усули

Бу усул бухгалтерия ҳисобининг мувофиқлик принципига асосланади. Олдинги йиллар тажрибасига асосланиб, шубҳали қарзлардан ҳақиқатдаги зарарнинг ва соф кредитга сотишнинг нисбати билан ўртача фоизи ҳисобланади. Даргумон қарзнинг миқдорини аниқлаш учун ҳисобот даврининг соф ҳақиқатда сотишга нисбатан қўлланилади.

Масалан, “Balans konsalting” МЧЖнинг 2021 йил охирида счётларидаги қолдиқлар қуйида келтирилган:

Товарларни сотиш (9020)	70 000 000
Сотилган товарларнинг қайтиши (9040)	2 700 000
Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар (9050)	180 000
Даргумон қарзлар бўйича резерв (4910)	420 000
Фараз қилайлик, охириги уч йилда ундириб олинмаган дебиторлик қарзлар натижасида зарарлар қуйидагиларни ташкил қилган:	

Йиллар	Сотиш ҳажми	Шубҳали қарзлар бўйича йўқотишлар	Фоиз
2018	60 000 000	1500 000	2,5 %
2019	80 500 000	1800 000	2,1 %
2020	90 900 000	1900 000	1,9 %
Жами	240 400 000	5200 000	2,1 %

Корхона раҳбарияти, шубҳали қарзларнинг сотиш ҳажмидаги улуши 2,1 % бўлишини тахмин қилмоқда. 2021 йил учун шубҳали қарзлар суммаси қуйидагича аниқланади:

$$(70\,000\,000 - 2\,700\,000 - 180\,000) * 2,1\% = 67\,120\,000 * 2,1\% = 1\,409\,520$$

31 декабр 2021 йилда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дт Шубҳали қарзлар бўйича харажатлар (9430) 1409 520

Шунга эътибор қаратиш лозимки, «Шубҳали қарзлар бўйича баҳоланган резерв» счётининг қолдиғини ушбу усул ҳисобга олмайди. «Шубҳали қарзлар бўйича баҳоланган резерв» счётининг қолдиғи 1829 520 сўмни ташкил қилди. Бу сумма 2021 йил учун товарларнинг сотилишидан ундириб олинмаган тахминан қилинган сумма 1409 520 сўм ва олдинги йиллар бўйича ундирилмаган сумма 420 000 сўмларнинг йиғиндисидан иборатдир. Охириги сумма ўтган йиллар шубҳали қарзларга мувофиқ келтирилмаган.

Тўлов муддатлари бўйича олинадиган счётлар ҳисоби усули

Усулнинг асосини соф дебиторлик қарзларнинг қийматини аниқлашдан иборатдир. Ушбу усулга биноан «Шубҳали қарзлар бўйича баҳоланган резерв» счёти бўйича йил охиридаги қолдиқ олинадиган счётларнинг таҳлили натижасида аниқланади. Шубҳали қарзлар бўйича ҳисобланган сумма билан «Шубҳали қарзлар бўйича баҳоланган резерв» счётидаги қолдиқ ўртасидаги фарқ сумма жорий йил учун харажатларни ташкил қилади. Ушбу усул тузатиш ўтказмасигача счётнинг қолдиғини инобатга олади.

1-жадвал

«Улуғбек» МЧЖ корхонасининг 2021 йил 31 декабр ҳолатига олинадиган счётларнинг тўлов муддати бўйича таҳлили

Харидор	Жами олинадиган счётлар	Тўлов муддати келмаган счётлар	Тўлов муддати 1 кундан 30 кунгача ўтган	Тўлов муддати 31 кундан 60 кунгача ўтган	Тўлов муддати 61 кундан 90 кунгача ўтган	Тўлов муддати 90 кундан ортиқ ўтган
“Тули”	1 000 000		1 000 000			
“Баланс”	2 000 000			2 000 000		
“Лука”	8 000 000	5 000 000	2 000 000	1 000 000		
“Бодом”	5 000 000				5000 000	
Бошқалар	54 000 000	20 000 000	5 000 000	13 500 000	5500 000	10 000 000
Жами	70 000 000	25 000 000	8 000 000	16 500 000	10 500 000	10 000 000
Даргумон қарзлар бўйича %		1%	5%	12%	30%	50%

Шубҳали қарзлар бўйича баҳоланган резерв суммасини аниқлашда (1) умумий дебиторлик қарзга асосланган ягона комбинациялашган ставкадан, (2) ҳар бир алоҳида олинадиган счётларнинг тўлов муддатларига

асосланган бир нечта ставкадан фойдаланиш мумкин (олдинги жадвалга қаранг).

Юқорида берилган мисолда, тўлов муддатига мос равишда ундирилиши керак бўлган корхонанинг счётлари акс эттирилган. Ҳар бир олинадиган счёт қуйидагича туркумланади: тўлов муддати келмаган, тўлов муддати 1 кундан 30 кунгача ўтган, тўлов муддати 31 кундан 60 кунгача ўтган, тўлов муддати 61 кундан 90 кунгача ўтган ёки тўлов муддати 90 кундан ўтган. Ҳар бир гуруҳ учун олдиндан кутилаётган шубҳали қарзларнинг фоизи кўрсатилади.

2-жадвал

«Улуғбек» МЧЖ корхонасининг 2021 йил 31 декабр ҳолатига шубҳали қарзлар бўйича кутилаётган фоиз

Тўлов муддатлари	Сумма	Даргумон қарзлар бўйича %	Шубҳали қарзлар бўйича резерв
Тўлов муддати келмаган счётлар	25 000 000	1%	250 000
1-30 кун ўтган	8 000 000	5%	400 000
31-60 кун ўтган	16 500 000	12%	1980 000
61-90 кун ўтган	10 500 000	30%	3150 000
90 кун ортиқ ўтган	10 000 000	50%	5000 000
	70 000 000		10780 000

Фараз қилайлик, «Улуғбек» МЧЖ корхонасининг "Шубҳали қарзлар бўйича резерв" счётида жорий кредит қолдиғи 800 000 сўмни ташкил этади. Шундай қилиб, шубҳали қарзлар бўйича тахмин қилинган харажатлар миқдори бир йилда 9980 000 сўмни ташкил қилади:

Тахмин қилинаётган шубҳали қарзлар	10 780 000
Минус: "Шубҳали қарзлар бўйича резерв" счётининг кредит қолдиғи	800 000
Шубҳали қарзлар бўйича харажатлар	9 980 000

Агар "Шубҳали қарзлар бўйича резерв" счёти дебет қолдиғига эга бўлса, унинг миқдори тахмин қилинаётган шубҳали қарзлар суммасига қўшилиши керак.

31 декабрда шубҳали қарзлар бўйича харажатлар ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дт Шубҳали қарзлар бўйича харажатлар (9430)	9 980 000
Кт Шубҳали қарзлар бўйича резерв (4910)	9 980 000

Икки усул ҳам бирга қўлланилиши мумкин. Уларнинг ҳар бири бошқасини тасдиқлаш учун қўлланилади. Ҳисобдан чиқарилган ҳар йилги дебиторлик қарзлар миқдори камдан-кам ҳолларда "Шубҳали қарзлар бўйича резерв" счётининг кредитида акс эттирилган тахмин қилинган миқдорга тенг бўлади. Агар ҳисобдан чиқарилган счётлар бўйича сумма олдиндан тахмин қилинган шубҳали қарзлар резерв миқдоридан камроқ бўлса, "Шубҳали қарзлар бўйича резерв" счёти кредит қолдиғига эга бўлади. Агар ҳисобдан чиқарилган счётлар бўйича сумма олдиндан тахмин қилинган шубҳали қарзлар резерв суммасидан кўпроқ бўлса, "Шубҳали қарзлар бўйича резерв" счёти дебет қолдиғига эга бўлади. Жорий йил учун шубҳали қарзларнинг дастлабки миқдорини аниқлаш учун қилинган тузатувчи ёзуви ҳисобот даврининг охиридаги дебетли қолдиғини бекор қилади.

Кўпгина чакана савдо ташкилотларнинг дебиторлик қарзларининг сезиларли қисми товарларнинг тўлов муддатини узайтириб сотиш ҳисобига тўғри келади. Баъзи корхоналар тўлов муддати узайтирилган олинadиган счётларга ҳам эга. Улар бўйича тўлов 24 ой ва ундан ортиқ вақт мобайнида келиб тушса ҳам, тўлов муддати узайтирилган олинadиган счётлар ликвид активларга таркибига олиб борилади, агар савдонинг бундай кредитлаш усули ушбу соҳада анъанавий равишда қўлланилганди ҳам.